

# БИСМИЛЛААҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

## Ислом умматининг 73 фирқага бўлиниши ҳақидаги ҳадиснинг таҳлили

Пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Ислом умматининг етмиш уч фирқага бўлиниши ҳамда улардан фақат бир тоифагина нажот топувчи эканлиги ва қолганлар эса ҳалок бўлиши хусусида ўзларининг ҳадиси шарифларида марҳамат қилиб айтганлар.

Шак-шубҳасиз, бизни эътиқодий масалаларни, хусусан, мазҳаб ва диний раҳнамолик, яъни имомат ва вилоят масаласини муҳокама қилишга ундайдиган омиллардан бири Ислом умматининг етмиш уч фирқага бўлиниши ҳақидаги ҳадисдир.

Аҳли суннатнинг ишончли ва мўътабар манбаларига асосан, Аҳли суннат мазҳабларининг ҳар бири ўзини нажот топувчи фирқа ва тоифа деб билади. Ашъарийлар биз нажот топувчи тоифамиз, дейишса, Мўътазила биз нажот топувчи тоифамиз, дейишади. Аҳли ҳадис бизлар нажот топувчи тоифамиз, дейди ва Мотрудийлар эса нажот топувчи тоифа биз бўламиз, дейишса, Ҳанбалийлар биз нажот топувчи мазҳабмиз, дейишади. Ваҳобийлар ҳам биз салафи солиҳлар йўлидан борганимиз учун биз фақат мусулмонмиз ва нажот топувчи тоифа ҳам биз бўламиз, деб айтишади. Демак, бутун сунний мазҳаблари ўзларини нажот топувчи тоифа, деб билишади. Аҳли суннат Абу Бакрнинг халифалигини қабул қилмаганларни кофирга чиқариб:

«Ким Абу Бакрнинг халифалиги ва имомлигини инкор қилса, у кофирдир», деб айтишган. Ҳатто Аҳли суннат мазҳаблари ўзаро бир-бирларини кофирга чиқаришган. Ҳанбалийлар Аҳли суннатнинг бошқа мазҳабларини рад этиб:

«من لم يكن حنبلياً فليس بمسلم».

«Кимки Ҳанбалий бўлмаса, мусулмон эмас».<sup>1</sup>

Аҳли суннатнинг бошқа мазҳаблари ҳам ҳанбалийларнинг кофир эканлигини айтиб, уларни қуйидаги оятга ўхшатганлар:

﴿وَمَا كَفَرَ سُلَيْمَانُ وَلَكِنَّ الشَّيَاطِينَ كَفَرُوا﴾

1. Ҳофиз Шамсиддин Аз-Заҳабий, «Сияру аъламин-нубалаи», 17-жилд, 625-бет, яна ушбу муаллиф «Тазкиратул Ҳуффоэ», 3-жилд, 1187-бет.

«Сулаймон кофир бўлмади лекин шайтонлар [одамларга сеҳр ўргатиб,] кофир бўлишди». (Бақара сураси, 102-оят) Худди шундай Аҳмад ибн Ханбал кофир эмас эди, лекин унинг ҳамма тарафдорлари кофирдирлар.

Шунингдек, Аҳли суннат мазҳаблари, яъни шофеъийлар, моликийлар, ханафийлар ва ҳанбалийлар ўртасида кўп қонли тўқнашувлар ва қирғинбарот урушлар рўй бергани тарихда ёзилган. Шу боис, Аҳли суннатнинг баъзи йирик уламолари асосан Ислом уммати орасида нажот топувчи тоифа қайси бири эканлигини аниқлашнинг имкони йўқ, деб айтишади. Аҳли суннатнинг буюк уламоларидан бўлган Шотибий айтади:

«والحاصل أن تعيين هذه الفرقة الناجية في مثل زماننا صعب».

«Хулоса шуки, бизнинг замонамизда нажот топувчи тоифани тайинлаш мушкул».<sup>1</sup>

Асрдош бўлган Аҳли суннатнинг буюк олимларидан бири Муҳаммад Абдуҳ бу ҳақда айтади:

«وأما تعيين أي فرقة هي الناجية، أي التي تكون على ما كان النبي عليه وأصحابه، فلم يتعين لي إلى الآن، فإن كل طائفة ممن يدعون لنبينا بالرسالة، تجعل نفسها على ما كان عليه النبي وأصحابه».

«Пайгамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ва ул зот саҳобаларининг йўлларида борган нажот топувчи тоифа кимлар экани ҳозиргача мен учун аниқлангани йўқ. Зероки, Пайгамбаримизнинг рисолатларини қабул қилиб бўйсунган ҳар бир тоифа ўзини Пайгамбар (с.а.в) ва у зот саҳобаларининг йўлини тутган деб билади».<sup>2</sup>

Ҳақиқатан ҳам, нажот топувчи тоифани аниқлаш жуда мушкул ва Муҳаммад Абдуҳнинг бу борада билдирган фикр-мулоҳазалари диққатга сазовор ва ўта ингичка масаладир. Зероки, Ҳанафийлар биз ўша нажот топувчи тоифа бўламиз, дейишса, Ҳанбалийлар уларнинг тутган йўли хато бўлиб, биз Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ва у зотнинг саҳобалари йўлидан борганмиз, дейишади. Ваҳобийлар эса ҳамманинг тутган йўли ботил ва нотўғри бўлиб, салафи солиҳларнинг йўлидан борган ҳақиқий мусулмон биз бўламиз ва биздан бошқа барча исломий мазҳаблар, ҳоҳ шиа бўлсин ёки сунний, ҳаммаси кофирдир. Демак, Ислом уммати орасида нажот топувчи тоифани аниқлаш ўта қалтис масаладир.

1. Шотибий, «Ал-Итҳосом», 2-жилд, 255-бет.

2. Рашид Ризо «Тафсири ал-Манаар», 8-жилд, 221 ва 222-бетлар, иккинчи нашр.

Биз дастлаб Саййидул анбиёнинг Ислом уммати етмиш уч фирқага бўлиниши ҳақидаги ҳадисларини илмий-таҳлилий тарзда чуқур ўрганиб чиқамиз ва кейин эса ул ҳазратнинг ҳадисларида айтилган нажот топувчи тоифа билан ҳалок бўлувчи тоифанинг хусусиятларини ўрганиб чиқиб, мусулмонлар орасида нажот топувчи гуруҳ ким эканлигини аниқлашга ҳаракат қиламиз.

## **Ислом умматининг 73 фирқага бўлиниши ҳақидаги ҳадиснинг ривоятлари**

**Биринчи ривоят:** Авф ибн Молик разияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз Муҳаммад *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* дан ривоят қилади: Ул ҳазрат шундай деб марҳамат қиладилар:

عن عوف بن مالك رضي الله عنه عن النبي صلى الله عليه [وآله] وسلم قال: تفرقت أمتي على بضع وسبعين فرقةً أعظمها فتنةً على أمتي قومٌ يقيسون الأمور برأيهم فيحلّون الحرامَ ويحرمون الحلالَ.

*«Менинг умматим етмиш неча фирқага бўлинади. Ушбу фирқаларнинг умматимга энг катта фитна уюштирадигани ўз раъй-фикрлари билан диний масалаларни қиёслайдиган тоифадир. Улар Аллоҳ ҳаром қилган нарсани қиёс қилиш ила ҳалол қиладилар ва Аллоҳ ҳалол қилган нарсани эса қиёс қилиш ила ҳаром қиладилар».*<sup>1</sup>

Ҳоким Нисобурий ушбу ҳадис ҳақида айтади:

هذا حديث صحيح على شرط الشيخين و لم يُخرَجَا

*«Бу ҳадис Имом Бухорий ва Имом Муслим шарти бўйича саҳиҳ саналади, агарчи у иккаласи ушбу ҳадисни ривоят қилмаган бўлишса-да».*<sup>2</sup>

Энди ўзингиз хулоса чиқаринг, шариат аҳкомларини истинбот қилишда, яъни қўлга киритишда шиалар раъй ва қиёсга амал қилишадими ёки ёки Аҳли суннатми?!

Ушбу ҳадисга кўра, шариат аҳкомларида раъй ва қиёсга амал қилиш Ислом умматида энг катта фитна қилиш ҳисобланган. Шиалар шариат

---

1. Ушбу ҳадиснинг манбаи:

- Ҳофиз Нуриддин Али ибн Абу Бакр ал-Ҳайсамий, «Мажмаъуз-завоид ва манбаъул-фавоид», 1-жилд, 179-бет. Буюк Аҳли суннат олими ал-Ҳайсамий юқоридаги ҳадисни ривоят қилгач, ушбу ҳадисни ривоят қилган кишилар ишочли ва саҳиҳдир, деб айтади.
- Табароний, «Ал-Мўъжамул Кабийр», 18-жилд, 51-бет.

2. Ҳоким Нисобурий, «Ал-Мустадраку алас-саҳийҳайн», 4-жилд, 430-бет.

аҳкомларида раъй ва қиёсга амал қилишни ҳаром деб билишади, лекин афсуски Аҳли суннатда раъй ва қиёсга амал қилинади.

**Иккинчи ривоят:** Ибн Можаҳ Авф ибн Молик разияллоҳу анхудан ривоят қилади: Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) марҳамат қилиб айтадилар:

حَدَّثَنَا عَمْرُو بْنُ عُثْمَانَ بْنِ سَعِيدِ بْنِ كَثِيرِ بْنِ دِينَارِ الْحُمْصِيِّ حَدَّثَنَا عَبَّادُ بْنُ يُوسُفَ حَدَّثَنَا صَفْوَانُ بْنُ عَمْرٍو عَنْ رَاشِدِ بْنِ سَعْدٍ عَنْ عَوْفِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: افْتَرَقَتِ الْيَهُودُ عَلَى إِحْدَى وَسَبْعِينَ فِرْقَةً فَوَاحِدَةٌ فِي الْجَنَّةِ وَسَبْعُونَ فِي النَّارِ وَافْتَرَقَتِ النَّصَارَى عَلَى ثِنْتَيْنِ وَسَبْعِينَ فِرْقَةً فَأِحْدَى وَسَبْعُونَ فِي النَّارِ وَوَاحِدَةٌ فِي الْجَنَّةِ وَالَّذِي نَفْسُ مُحَمَّدٍ بِيَدِهِ لَتَفْتَرِقَنَّ أُمَّتِي عَلَى ثَلَاثٍ وَسَبْعِينَ فِرْقَةً وَاحِدَةٌ فِي الْجَنَّةِ وَثِنْتَانِ وَسَبْعُونَ فِي النَّارِ قِيلَ يَا رَسُولَ اللَّهِ مَنْ هُمْ؟ قَالَ الْجَمَاعَةُ.

«Яҳудийлар етмиш бир фирқага бўлиндилар. Бас уларнинг бир тоифаси жаннатда ва қолган етмиш тоифаси дўзахдадир. Ва насронийлар эса етмиш икки фирқага бўлиндилар. Бас уларнинг етмиш бир фирқаси дўзахда ва бир тоифасигина жаннатда бўлур. Муҳаммаднинг жони Унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, албатта, менинг умматим ҳам етмиш уч фирқага бўлинади. Улардан бир тоифагина жаннатда ва етмиш икки тоифа эса дўзахда бўлур. Шунда: «Ё Расулуллоҳ, улар кимлар? Яъни дўзах оловига кирадиган ўша етмиш икки фирқа кимлар?», деб сўралди. Ул ҳазрат: «Жамоатдир, яъни кўпчиликдан иборат бўлганлардир», дедилар».<sup>1</sup>

**Учинчи ривоят:** Аҳли суннат биродарларимиз одатда ушбу ҳадиснинг учинчи ривотига алоҳида ихлос қўйиб, ўзларининг турли диний тадбирлари ва маърузаларида уни ўқийдилар. Термизий ўзининг «Ал-Жомийул Кабийр» номли китобида ривоят қилишича, Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) шундай деб марҳамат қиладилар:

حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غِيْلَانَ حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ الْحَفَرِيُّ عَنْ سُفْيَانَ الثَّوْرِيِّ عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ زِيَادِ الْأَفْرَيقِيِّ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ يَزِيدَ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَيَأْتِيَنَّ عَلَى أُمَّتِي مَا أَتَى عَلَى بَنِي إِسْرَائِيلَ حَذَوُ النَّعْلِ بِالنَّعْلِ ... وَإِنَّ بَنِي إِسْرَائِيلَ تَفَرَّقَتْ عَلَى ثِنْتَيْنِ وَسَبْعِينَ مِلَّةً وَتَفَرَّقَتْ أُمَّتِي عَلَى ثَلَاثٍ وَسَبْعِينَ مِلَّةً كُلُّهُمْ فِي النَّارِ إِلَّا مِلَّةً وَاحِدَةً قَالُوا وَمَنْ هِيَ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ مَا أَنَا عَلَيْهِ وَأَصْحَابِي.

1. Ибн Можаҳ Қазвиний, «Сунани Ибн Можаҳ», Ал-Фитан китоби, Ифтирокул умам боби, 2-жилд, 1322-бет, 3992-ҳадис.

«Бани Исроилнинг бошига тушган нарсалар бирма-бир менинг умматимнинг ҳам бошига келади... Бани Исроил етмиш икки фирқага бўлинган эди ва менинг умматим эса етмиш уч фирқага бўлинади. Бир гуруҳдан ташқари уларнинг ҳаммаси дўзах оловида бўлур». Шунда саҳобалар: Эй Аллоҳнинг Расули, ўша нажот топувчи бир тоифа кимлар? деб сўрашди. Ул ҳазрат: «Мен ва саҳобаларим йўлидан борган тоифадир», дедилар.<sup>1</sup>

Лекин Ҳоким Нисобурийнинг ривоятида эса Саййидул анбиё шундай марҳамат қилганлар:

مَا أَنَا عَلَيْهِ الْيَوْمَ وَأَصْحَابِي.

«Мен ва саҳобаларимнинг бугунги йўлидан борган тоифадир».<sup>2</sup>

Аҳли суннатнинг буюк олими Ҳофиз Нуриддин ал-Ҳайсамий ҳам ушбу ҳадисни шундай ривоят қилган:

تَفْتَرِقُ أُمَّتِي عَلَى ثَلَاثٍ وَسَبْعِينَ فِرْقَةً كُلُّهَا فِي النَّارِ إِلَّا وَاحِدَةً قَالُوا وَمَا تِلْكَ الْفِرْقَةُ؟ قَالَ: مَا أَنَا عَلَيْهِ الْيَوْمَ وَأَصْحَابِي.

«Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) айтадилар: Менинг умматим етмиш уч фирқага бўлинади. Бир тоифадан ташқари уларнинг ҳаммаси дўзах оловида бўлурлар». Шунда саҳобалар: Эй Аллоҳнинг Расули, ўша нажот топувчи бир тоифа кимлар? деб сўрашди. Ул ҳазрат: «Мен ва саҳобаларимнинг бугунги йўлидан борган тоифадир», дедилар».<sup>3</sup>

Табароний ҳам ушбу ҳадисни Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан худди шу мазмунда ривоят қилади:

تَفْتَرِقُ هَذِهِ الْأُمَّةُ ثَلَاثَةً وَسَبْعِينَ فِرْقَةً كُلُّهَا فِي النَّارِ إِلَّا وَاحِدَةً قَالُوا وَمَا تِلْكَ الْفِرْقَةُ؟ قَالَ مَنْ كَانَ عَلَيَّ مَا أَنَا عَلَيْهِ الْيَوْمَ وَأَصْحَابِي.

«Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) айтадилар: Бу уммат етмиш уч фирқага бўлинади. Бир тоифадан ташқари уларнинг ҳаммаси дўзах оловида бўлурлар». Шунда саҳобалар: Эй Аллоҳнинг Расули, ўша нажот

1. Абу Исо Термизий, «Ал-Жомийул Кабийр», Абваабул иймаан: Маа жааъа фифтироқи ҳазиҳил уммати, ҳадис рақами: 2641.

2. Ҳоким Нисобурий, «Ал-Мустадраку алас-саҳийҳайн», 1-жилд, 122-бет.

3. Ҳофиз Нуриддин Али ибн Абу Бакр ал-Ҳайсамий, «Мажмаъуз-завоид ва манбаъул-фавоид», 1-жилд, 194-бет.

топувчи бир тоифа кимлар? деб сўрашди. Ул ҳазрат: «*Кимки мен ва саҳобаларим бугунги тутган йўлимиздан борса*», дедилар».<sup>1</sup>

Юқоридаги ҳадиси шарифда саҳобалар Саййидул анбиёдан ушбу нажот топувчи тоифа ким деб сўрашганида, ул ҳазрат: «*Кимки менинг ва саҳобаларнинг шу бугунги йўлимизни тутса, ўша нажот топувчи тоифадандир*». Пайғамбаримиз (с.а.в) *اليوم* менинг бугунги йўлим, ўлимимдан кейинги эмас, деб қайд-шарт келтиришлари аниқ бир маънога ишорадир. Яъни ким менинг ва саҳобаларнинг бугунги юрган йўлига эргашса, у нажот топувчи тоифадандир. Бунинг маъноси, ул ҳазратнинг вафотларидан сўнг юзага келган ихтилоф ва келишмовчиликлар боис, саҳобалар орасида оғиш ва адашиш пайдо бўлган.

Албатта, бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) фақат Аллоҳ таоло томонидан ҳақ ва тўғри бўлган сўзни айтадилар, холос.

﴿٤﴾ ﴿٣﴾ إِنَّهُوَ إِلَّا وَحْيٌ يُوحَىٰ ﴿٤﴾

«У [Пайғамбар] ҳавойи-хоҳиши билан сўзламас. Унинг сўзлари ваҳийдан ўзга нарса эмас» (Нажм сураси, 2 ва 3-оятлар).

У зотнинг ўзлари ҳам бу борада шундай марҳамат қилганлар:

والذي نفسي بيده لا يخرج من فيّ إلا حقّ

«Менинг жоним Унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, оғзимдан ҳақ сўздан бошқа нарса чиқмайди».

Агар мазкур ҳадисни чуқур таҳлил қилиб ўрганиб чиқадиган бўлсак, ушбу ҳадисга кўра, нажот топувчи тоифа пайғамбаримиз Муҳаммад (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) ва ул ҳазрат саҳобаларининг йўлини тутган кишилар бўлади, деган хулоса чиқарилади. У ҳолда ҳадиснинг ушбу маъно-мазмунни тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди. Зеро, агар биз Аҳли суннат наздидаги Саҳиҳи Бухорий ва Саҳиҳи Муслим каби «*Кутуби Сиҳоҳ*»га, яъни Саҳиҳ ҳадислар тўплами бўлган китобларга мурожаат қилиб, саҳобалар ҳақида келган ҳадисларни кўздан кечирсак, кимда-ким саҳобалар йўлини тутса, хоҳ Пайғамбаримиз (с.а.в) замонларидаги саҳобалар бўлсин ёки у зотдан кейинги замонда яшаган саҳобалар бўлсин, нажот топувчи тоифадан бўлади деб айтиш ушбу ҳадисларнинг маъно-мазмунига мутлақо

1. Табароний, «*Ал-Мўъжамул Авват*», 8-жилд, 22-бет, ҳадис рақами: 11061.

тўғри келмайди. Албатта, биз айтаётган ушбу даъвомизни исботлаш учун далилларни тақдим этамиз ва хулоса чиқаришни эса ўқувчиларнинг ўзига кўйиб берамиз.

Ушбу мавзуга доир далил-исботларни келтиришдан олдин бир ингичка масалага ишора қилмоқчимиз. Биз шиалар билан Аҳли суннат биродарларимиз ўртасидаги асосий фарқлардан бири – бу пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан кейин кимга эргашиш ва кимнинг йўлини тутиш кераклиги ҳақидаги масаладир. Аҳли суннат биродарларимиз биз саҳобаларга эргашамиз ва уларнинг йўлларида борамиз, деб эътиқод қилишади. Бироқ биз шиаларнинг эътиқоди эса Сарвари оламнинг Аҳли-Байтларига эргашиш ва у зотларнинг кўрсатган йўлларида боришдир. Икки тоифа мусулмонлар ўртасидаги энг асосий фарқ ва ихтилофлар шу ердан келиб чиқади. Ҳатто имомат, хилофат ва ҳоказолар ҳақидаги баҳс-мунозаралар ҳам ушбу масалага асослангандир. Албатта, ушбу фарқ ва ихтилоф ақидавий масалада юзага келган бўлиб, икки тоифа мусулмонларнинг ғоявий қарашларидаги тафовутни кўрсатади. Лекин ушбу тафовут ва ихтилоф Аҳли суннат биродарларимизни кофир ва фосиққа чиқаришимизга сабаб бўлолмайди ва худди шундай улар ҳам бизни кофир ва фосиққа чиқаришларига сабаб бўлолмайди.

Энди эса нажот топувчи тоифа пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан кейин ул зот саҳобаларининг йўлидан борган мусулмонлардан иборат деган ақида Аҳли суннатнинг «Сихоҳ» китобларида, яъни Саҳиҳ ҳадислар тўплами бўлган китобларда келган ҳадисларга зид ва қарама-қарши эканлигини кўриб чиқамиз:

## Саҳобаларнинг йўли билан Пайғамбаримиз (с.а.в)нинг йўллари ўртасидаги зиддият:

### Биринчи масала:

Аҳли суннат наздида Қуръони Каримдан сўнг энг мўътабар ва ишончли манба бўлган «Саҳиҳул Бухорий» китобида Ухуд жанги борасида шундай ривоят қилинган: Буроъ ибн Озиб розияллоҳу анху айтади:

۳۰۳۹ - حَدَّثَنَا عَمْرُو بْنُ خَالِدٍ: حَدَّثَنَا زُهَيْرٌ حَدَّثَنَا أَبُو إِسْحَاقَ قَالَ: سَمِعْتُ الْبَرَاءَ بْنَ عَازِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا يُحَدِّثُ قَالَ: «جَعَلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى الرَّجَالِ يَوْمَ أُحُدٍ وَكَانُوا خَمْسِينَ رَجُلًا عَبْدَ اللَّهِ بْنِ جُبَيْرٍ فَقَالَ: إِنْ رَأَيْتُمُونَا نَحْطِفُنَا الطَّيْرُ فَلَا تَبْرَحُوا مَكَانَكُمْ هَذَا حَتَّى أُرْسَلَ إِلَيْكُمْ، وَإِنْ رَأَيْتُمُونَا هَرَمْنَا الْقَوْمَ وَأَوْطَأْنَا هُمْ، فَلَا تَبْرَحُوا حَتَّى أُرْسَلَ إِلَيْكُمْ فَهَرَمُوهُمْ، قَالَ: فَأَنَا وَاللَّهِ رَأَيْتُ النِّسَاءَ يَشْتَدِدْنَ، قَدْ بَدَتْ خَلَاخِلُهُنَّ وَأَسْوَفُهُنَّ، رَافِعَاتٍ ثِيَابَهُنَّ، فَقَالَ أَصْحَابُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ جُبَيْرٍ: الْغَيْمَةُ أَيْ قَوْمٌ، ظَهَرُوا أَصْحَابَكُمْ، فَمَا تَنْتَظِرُونَ، فَقَالَ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ جُبَيْرٍ: أَنْتَيْتُمْ مَا قَالَ لَكُمْ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ

عَلَيْهِ وَسَلَّمَ؟ قَالُوا: وَاللَّهِ لَنَأْتِيَنَّ النَّاسَ فَالْغَنِيمَةَ، فَلَمَّا أَتَوْهُمْ صُرِفَتْ وَجُوهُهُمْ فَأَقْبَلُوا مِنْهُمْ مِينَ، فَذَلِكَ إِذْ يَدْعُوهُمْ الرَّسُولُ فِي أُخْرَاهُمْ، فَلَمْ يَبْقَ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَيْرُ اثْنِي عَشَرَ رَجُلًا.

«Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Уҳуд куни Абдуллоҳ ибн Жубайрнинг қўмондонлиги остида эллик нафар ўқотарни Уҳуд тоғининг тепасига жойлаштириб дедилар: «Агар қушлар бизни юлиб олганини кўрсангиз ҳам, то сизларга хабар юбормагунимча, ўз жойингиздан қимирламанг ва агар бизни муширикларни маглуб этган ва уларни парчалаб юбораётган ҳолда кўрсангиз ҳам, то сизларга хабар юбормагунимча, ҳеч қаяққа қимирламанг!» Уруш бошланиб, мусулмонлар дастлаб голиб келиб, Макка муширикларини маглуб этдилар... Шунда мусулмонларнинг галаба қозонганини кўрган Абдуллоҳ ибн Жубайрнинг қўли остидаги эллик нафар ўқотар кишилар: «Эй одамлар, уруш ганимати! Уруш ганимати! Сафдошларингиз голиб келиб, жанг ганиматини йигмоқдалар! Сизлар нимани кутяпсиз?», дея бошлашди. Шунда улар уруш ганиматини ўзларига йигиб олиш мақсадига эгаллаб турган қалтис жойларини ташлаб кетмоқчи бўлганларида, Абдуллоҳ ибн Жубайр уларга: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг сизларга нима деганларини унутдингизми?», деди. Улар унга жавобан: «Аллоҳга қасамки, биз ҳам одамларнинг олдига бориб, ганиматдан баҳраманд бўлайлик», деб ўз жойларини тарк этиб, ўз қўмондонининг гапига қулоқ солмай, тоғдан пастга тушишди. Ушбу эллик нафар ўқ отар кишилар ганимат йигиб олиш учун мусулмонларнинг олдига пастга тушганларида ва мусулмонлар жанг ганиматини йигиб олиш билан банд бўлганларида, Макка мушириклари улар томон қайтиб келишди. Шунда Макка муширикларининг қўмондонларидан бўлган Холид ибн Валид ушбу вазиятни кўриб, Уҳуд тоғининг доволли йўлидан айланиб ўтиб ўқотар кишиларнинг ўша бўшлиқ жойига кириб олиб, голиб мусулмонларни орқа томондан қира бошлашди. Шунда мусулмонлар маглубиятга учраган ҳолларида ортга чекиниб жанг майдонидан қочишди. Ўшанда Пайгамбар (с.а.в) уларни орқаларидан чақирардилар ва Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) билан бирга ўн икки кишидан бошқа ҳеч ким қолмади».<sup>1</sup>

1. Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий, «Саҳийҳул Бухорий», Китобул-жиход вас-сайр, Бобу маа юкроху минаттанаазуъи вал-ихтилоф фил-харб, 3039-ҳадис, 4-жилд, 65 ва 66-бетлар.



Уҳуд урушида мусулмонлар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг айтганларини қилмаганлари учун енгилгач, ул ҳазрат билан қолган 12 кишидан бошқа барча саҳобалар қочиб кетишди ва мусулмонлардан 70 нафар энг яхши кишилар, жумладан Сарвари оламнинг амакилари ҳазрати Ҳамза Саййидушшуҳадо шаҳид бўлишди.

«Саҳиҳул Бухорий»да ривоят қилинган бошқа бир ҳадисга кўра, Уҳуд жангида Ислом қўшини саҳобаларнинг Пайғамбар (с.а.в) кўрсатмаларига бўйсунмай, жанг ғаниматларини жамлашга киришишлари сабабли мағлубиятга учраши билан тугагач, саҳобалар Саййидул анбиёни ёлғиз ҳолда ташлаб қочиб, кофирларнинг қўлига топшириб қўйганликларидан ҳамда ўн икки кишидан бошқа ҳеч ким ул ҳазратнинг атрофларида қолмаганидан ул зот Аллоҳ таолога юзланиб дедилар:

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعْتَدْتُ إِلَيْكَ مِمَّا صَنَعَ هَؤُلَاءِ، يَعْزِي الْمُسْلِمِينَ.

«Эй Аллоҳим, буларнинг [яъни мусулмонларнинг] қилган ножўя ишлари учун Сендан узр сўрайман».<sup>1</sup>

Энди ўзингиз айтинг-чи, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг кўрсатмаларига қарши чиққан ва у ҳазратнинг атрофларидан қочиб, у зотни жанг майдонида яккаю ёлғиз қолдирган бундай саҳобалар ҳақида ким уларнинг йўлидан юрса, нажот топувчи тоифа бўлади, деб айтиш мумкинми?

**Иккинчи масала: Сулҳи Ҳудайбияда саҳобаларнинг Пайғамбар (с.а.в)га итоат қилмаслиги**

Тарихда келган кўпгина маълумотларга кўра, Макка шаҳри атрофидаги Ҳудайбия деган жойда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Қурайш кофирлари билан сулҳ тузганларидан кейин Макка шаҳрига кирмай, Мадинага қайтиб боришга қарор қиладилар. Шунда Сарвари коинот саҳобаларига ҳаж амалларини бажармай туриб, ўзлари билан олиб келган қурбонликларини сўйиб, сочларини олиб эҳромдан чиқишни буюрадилар. Бироқ саҳобалардан ҳеч бир киши у зотнинг айтганларини қилмайди. «Саҳиҳул Бухорий»да бу ҳақда шундай ривоят қилинган:

قَالَ الرَّهْرِيُّ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِأَصْحَابِهِ: (فَوُومُوا فَانْحَرُوا ثُمَّ اخْلِقُوا). قَالَ: فَوَاللَّهِ مَا قَامَ مِنْهُمْ رَجُلٌ حَتَّى قَالَ ذَلِكَ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ، فَلَمَّا لَمْ يَقُمْ مِنْهُمْ أَحَدٌ دَخَلَ عَلَيَّ أُمُّ سَلَمَةَ، فَذَكَرَ لَهَا مَا لَقِيَ مِنَ النَّاسِ.

1. Юқоридаги манба, 67-Китобул мағозий, 14-бобу ғазвати Уҳуд, 3822-ҳадис, 4-жилд, 487-бет.

Зухрий айтади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) саҳобаларига: «Ўринларингиздан туриб, қурбонлик қилинглари. Сўнгра сочингизни олинглари», дедилар. Зухрий айтади: «Аллоҳга қасамки, улардан бирортаси у зотнинг айтганларини бажармади. Токи, ул ҳазрат сўзларини уч марта такрорладилар. Сўнг улардан ҳеч ким Пайгамбарнинг айтганларини қилмагач, у зот завжалари Умму Саламаннинг олдига кириб, одамларнинг у зотга бўлган муносабатани унга айтдилар».<sup>1</sup>

Ҳатто ваҳҳобийларнинг буюк пешвоси бўлган Ибн Таймия ҳам Ҳудайбия сулҳида юз берган ушбу ачинарли воқеани инкор этиб бўлмас қатъий бир масала сифатида тилга олган. Унинг бу ҳақда айтган гаплари улкан аҳамиятга бўлгани учун биз уни бу ерда келтирамиз:

وَكَذَلِكَ «لَمَّا صَاحَ النَّبِيُّ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - الْمُشْرِكِينَ يَوْمَ الْحُدَيْبِيَّةِ، وَقَالَ لِأَصْحَابِهِ: «اتَّخِرُوا وَاحْلِقُوا رُءُوسَكُمْ» فَلَمْ يَفْعَلْ أَحَدٌ، فَدَخَلَ مُغْضَبًا عَلَى أُمِّ سَلَمَةَ، فَقَالَتْ: مَنْ أَعْضَبَكَ - أَعْضَبَهُ اللَّهُ؟ فَقَالَ: «مَا لِي لَا أَعْضِبُ وَأَنَا أَمْرٌ بِالْأَمْرِ فَلَا يُطَاعُ»

«Шунингдек, Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Ҳудайбия куни мушириклар билан сулҳ тузгач, саҳобаларига: «Қурбонлик қилинглари ва сочингизни олинглари», дедилар. Лекин ҳеч бир киши у зотнинг айтганларини қилмади. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) газабланган ҳолда завжалари Умму Саламаннинг олдига кирдилар. Умму Салама у зотга: «Эй Расулуллоҳ, сизни ким газаблантирди? Аллоҳ унга газаб қилсин!», деди. У зот: «Нега газабланмай? Ҳолбуки, мен бир ишни бажаришга буюрсам-у, лекин унга итоат қилинмаса», дедилар».<sup>2</sup>

### Учинчи масала: Рўза масаласида саҳобаларнинг Пайгамбар (с.а.в)га қарши чиқиши

Муслим ибн Ҳажжож Нишобурий ўзининг «Саҳиҳ» китобида Жобир ибн Абдуллоҳ Ансорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

(۱۱۱۴) حَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى. حَدَّثَنَا عَبْدُ الْوَهَّابِ (يَعْنِي ابْنَ عَبْدِ الْمَجِيدِ) حَدَّثَنَا جَعْفَرُ عَنْ أَبِيهِ، عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا؛ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَرَجَ عَامَ الْفَتْحِ إِلَى مَكَّةَ فِي رَمَضَانَ، فَصَامَ حَتَّى بَلَغَ كُرَاعَ الْعَمِيمِ،

1. Ушбу ҳадис Аҳли суннатнинг қуйидаги манбаларида келган:

- Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий, «Саҳиҳул Бухорий», 58-Китоб: Аш-Шурут, 15-Боб: Аш-Шуруту фил-жиҳаад вал-мусолаҳату маъа аҳлил-ҳарб, 2581-ҳадис, 2-жилд, 978-бет.
- Аҳмад ибн Ҳанбал, «Муснаду Аҳмад ибн Ҳанбал», 31-жилд, 220-бет, 8910-ҳадис, ар-Рисолаҳ чопи.

2. Аҳмад ибн Таймия Ал-Ҳарроний, «Минҳожус-суннатин-набавийяҳ», Риёз – Саудия Арабистон, Муҳаммад Рашод Солим нашриёти, 1406-ҳижрий қамарий, 1986-милодий йили, 4-жилд, 315-бет.

فَصَامَ النَّاسُ، ثُمَّ دَعَا بِقَدْحٍ مِنْ مَاءٍ فَرَفَعَهُ، حَتَّى نَظَرَ النَّاسُ إِلَيْهِ، ثُمَّ شَرِبَ، فَقِيلَ لَهُ بَعْدَ ذَلِكَ: إِنَّ بَعْضَ النَّاسِ قَدْ صَامَ، فَقَالَ: «أَوْلَيْكَ الْعَصَا، أَوْلَيْكَ الْعَصَا».

«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Макка фатҳ қилинган йили Рамазон ойида Макка томон йўлга чиқдилар. Шунда ул ҳазрат рўза тутдилар ва одамлар ҳам рўза туттишди. Токи, «Куроъ ал-Ғомим» деган жойга етиб келганларида, у зот бир коса сув сўраб, уни одамларнинг кўз ўнгида кўтариб ичдилар ва бу билан рўзани очиб, одамларга ҳам рўзаларини очишга буюрдилар. Шундан сўнг у зотга: «Баъзи одамлар рўзаларини очмай, биз рўзадормиз, деб туриб олишган», дейилди. Шунда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам): «Ана ўшалар итоатсиз исёнкорлардир! Ана ўшалар итоатсиз исёнкорлардир», дедилар».<sup>1</sup>

Дарҳақиқат, бу ҳадис «саҳобаларнинг ҳаммаси адолатли кишилар» деган ақидага барҳам беради ва барча саҳобалар адолатли эканлигини оқлашнинг иложи йўқ. Чунки, «العصاة» “итоатсиз исёнкорлар” деган сўзнинг маъноси адолатли бўлмаган киши демакдир.

Энди холислик билан юқоридаги ҳадисдан хулоса чиқарадиган бўлсак, бундай хислатга эга бўлган бу саҳобаларнинг йўлидан бориш нажот топувчи тоифадан бўлишнинг мезони бўла олади ёки йўқми?! Муҳокамани ўзингизга қўйиб берамиз.

### **Тўртинчи масала: Эҳромдан чиқиш масаласида саҳобаларнинг Пайғамбар (с.а.в) фармонларидан бош тортиши**

Пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) «Ҳажжатул Видо», яъни видолашув ҳажларида умраи таматтуъ амалларини бажариш масаласида Бухорий ва Муслимнинг қилган ривоятига кўра ва шунингдек, чамаси 14 манбада ривоят қилинишича, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Маккага етиб келганларида, саҳобаларга: «Кимки қурбонликка туя олиб келмаган бўлса, эҳромдан чиқсин», деб буюрадилар. Саҳобалар эса у зотга жавобан: «Эҳромдан чиқиш нимани англатади? Яъни ҳамма нарса ҳалол бўлади, деганими?! Ҳатто аёллар билан алоқа қилиш ҳам ҳалол бўладими?!», дейишди.

1. Абул Ҳусайн Муслим ибн Ҳажжож, Ал-Қушайрий, Ал-Нисобурий, «Саҳиҳул Муслим», 13-Китобус-сиёми, 15-бобу жавозис-совми вал-фитри фий шаҳри Рамазона лил-мусофир, 1114-ҳадис., 2-жилд, 785-бет.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) уларга: «Ҳа, ҳалол бўлади», дедилар. Шунда саҳобалар Пайғамбар (с.а.в)ни масхара қила бошлашди.

Муслим ибн Ҳажжож Нишобурий ўзининг «Саҳиҳ» китобида Жобир ибн Абдуллоҳ Ансорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: Жобир айтади:

قَالَ جَابِرٌ: فَقَدِمَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صُبْحَ رَابِعَةٍ مَضَتْ مِنْ ذِي الْحِجَّةِ، فَأَمَرَنَا أَنْ نَحْلَا. قَالَ عَطَاءٌ: قَالَ: حُلُّوا وَأَصْبِحُوا التِّسَاءَ. قَالَ عَطَاءٌ: وَلَمْ يَغْزِمِ عَلَيْهِمْ، وَلَكِنْ أَحَلَّهُمْ هُمْ، فَقُلْنَا لَمَا لَمْ يَكُنْ بَيْنَنَا وَبَيْنَ عَرَفَةَ إِلَّا خَمْسٌ، أَمَرَنَا أَنْ نُفْضِيَ إِلَى نِسَائِنَا، فَتَأْتِي عَرَفَةَ تَفْطُرُ مَذَاكِرُنَا الْمَنِيِّ. قَالَ: يَقُولُ جَابِرٌ بِيَدِهِ: كَأَنِّي أَنْظُرُ إِلَى قَوْلِهِ بِيَدِهِ يُحَرِّكُهَا.

«Зулҳижжа ойининг тўртинчи куни эрталаб Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) келдилар ва бизга муҳил бўлишимизни, яъни эҳромдан чиқишимизни буюриб: Эҳромдан чиқинглар ва аёллар сизларга ҳалол бўлди», дедилар. У зот уларни мажбурламади, балки уларга аёлларни ҳалол қилдилар. Биз саҳобалар: «Биз билан Арафа куни орасида бор-йўғи беш кун вақт қолганида, Пайғамбар (с.а.в) бизга аёлларимиз билан жинсий алоқа қилишга буюрдиларми? Арофатга таносил аъзоларимиздан маний оққан ҳолда борарканмизми?!», дедик. Жобир қўлини кўрсатиб деди: Гўё мен у зотнинг сўзларини қўллари билан қимирлатаётган ҳолда айтганларини кўргандекман».<sup>1</sup>

Саҳобалар томонидан Савари олам Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) шаънларига мутлақо тўғри келмайдиган бундай хунук ва ножўя гапларнинг айтилиши умуман қабул қилинмайди. Ҳаттоки бир оддий одам бундай хунук ва ножўя таъбирларни ишлатишдан уялади. Яна Жобирнинг бу гапларга қўшимча қилиши жуда ҳам уятли ҳолат!

Яна ушбу «Саҳиҳи Муслим» китобида Сарвари коинотнинг завжалари Оишадан ул ҳазрат саҳобаларнинг бу хатти-ҳаракатидан ғазабланиб, унинг олдига келганликлари ҳақида шундай ривоят қилинган: Оиша айтади:

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّهَا قَالَتْ: «قَدِمَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِأَرْبَعِ مَضَيْنَ مِنْ ذِي الْحِجَّةِ، أَوْ خَمْسٍ، فَدَخَلَ عَلَيَّ وَهُوَ غَضْبَانٌ، فَقُلْتُ: مَنْ أَعْضَبَكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَدْخَلَهُ اللَّهُ النَّارَ؟ قَالَ: أَوْ مَا شَعَرْتَ أَيُّ أَمْرٍ النَّاسَ بِأَمْرٍ، فَإِذَا هُمْ يَتَرَدَّدُونَ».

1. Муслим ибн Ҳажжож, «Саҳиҳул Муслим», 15-Китобул-ҳаж, 17-бобу баёни вужуҳил эҳром, 1216-ҳадис, Ливан-Байрут нашрида 2-жилд, 883-бет ва Туркия нашрида эса 4-жилд, 37 ва 38-бетлар.

«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Зулҳижжанинг тўртинчи ёки бешинчи куни Маккага етиб келдилар ва ул ҳазрат саҳобаларнинг хатти-ҳаракатидан газабланган ҳолда менинг олдимга кирдилар. Шунда мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, ким сизни газаблантирди? Аллоҳ уни дўзахга киргизсин!», дедим. Ул зот: «Эй Оиша, кўрмаяпсанми, мен одамларга бир ишни бажаришни буюрсам, лекин улар иккиланиб менинг айтганимни бажаришмайди», дедилар».<sup>1</sup>

Саҳобаларнинг пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) йўл-йўриқларидан бош тортиб итоат қилмаслиги ҳақиқатан ҳам дардли ва аянчли ҳолатдир!! Яна бошқа бир ривоятда “Абдуллоҳ ибн Умар”дан “Мутъатул ҳаж”, яъни ҳаж мутъасининг ҳалол ёки ҳаром эканлиги ҳақида сўралганида, у: «Мутъатул ҳаж жоиз ва ҳалол», деб жавоб беради. Одамлардан бири унга: «Отангиз Умар ибн Хаттоб Мутъатул ҳажни ҳаром деб айтган», деди. Абдуллоҳ ибн Умар уларга жавобан:

«وبللك، إن كان أبي نهي عنها، وقد فعله رسول الله، وأمر به، أفبقول أبي آخذ، أم بأمر رسول الله؟»

«Сенга вой бўлсин! Агар отам Мутъатул ҳажни ман қилиб ундан қайтарган бўлса, ваҳоланки Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) уни бажарган ва унга амал қилишга буюрган бўлсалар, мен отамнинг сўзини қабул қилиб оламайми ёки Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг буюрганлариними?». Кейин Абдуллоҳ ибн Умар ўша сўраган кишига: «فَمَ» «Менинг олдиндан туриб кет», деди.<sup>2</sup>

Абдуллоҳ ибн Умар айтган гапининг маъноси шуки, сизлар отамнинг гапларини Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг кўрсатмалари қаршисида қўймоқдасиз ва у бу ишни нотўғри деб билган.

Энди инсоф билан холисона хулоса чиқарадиган бўлсак, биринчи келтирилган ҳадисга кўра:

مَا أَنَا عَلَيْهِ الْيَوْمَ وَأَصْحَابِي

1. Юқоридаги манба, 1211-ҳадис, Ливан-Байрут нашрида 2-жилд, 879-бет ва Туркия нашрида эса 4-жилд, 33 ва 34-бетлар.

2. Абу Умар Юсуф ибн Абдуллоҳ ибн Абдулбар ан-Намирий, «Ат-Тамҳийду лимая фил-Муваддоъи минал маъанний вал-асаанийд», тадқиқотчи: Мустафо бин Аҳмад ал-Алавий ва Муҳаммад Абдулкабийр ал-Бакрий, Ал-Мағриб – Умумий вақфлар ва исломий ишлар вазирлиги, 1387-ҳижрий йил, 8-жилд, 209-бет.

«Мен ва саҳобаларимнинг бугунги йўлидан борганлар нажот топувчи тоифа» деб айтилгани «Сихоҳ» китобларида, яъни Саҳиҳ ҳадислар тўплами бўлган китобларда келган ҳадисларда саҳобаларнинг бош тортиш ва итоатсизлик қилиш хусусиятига эга бўлганликларига мутлақо зид ва карама-қарши бўлиб, нажот топувчи тоифа саҳобалар йўлини тутганлар эканлигини савол остида қолдиради.

### **Бешинчи масала: Саҳобаларнинг Пайғамбар (с.а.в)ни қолдириб тижорат карвони томон югуриб боришлари**

Қуръони Каримда бу ҳақда шундай дейилган:

﴿وَإِذَا رَأَوْا تِجَارَةً أَوْ هَمَوُا انْفِصُوا إِلَيْهَا وَتَرَكُوكَ قَائِمًا ۗ قُلْ مَا عِنْدَ اللَّهِ خَيْرٌ مِّنَ اللَّهْوِ وَمِنَ التِّجَارَةِ ۗ وَاللَّهُ خَيْرُ الرَّازِقِينَ﴾

«Қачон улар [саҳобалар] бирон тижоратни ёки ўйин-кулгини кўриб қолсалар, масжиддан чиқиб ўша томонга қараб сочилиб-тарқалиб кетурлар ва сени [хутба ўқиётиб] тик турган ҳолингда тарк этурлар. Уларга: «Аллоҳнинг ҳузуридаги нарсалар ўйин-кулгидан ҳам, тижоратдан ҳам яхшироқдир! Ва Аллоҳ энг яхши ризқ берувчидир!», деб айт» (Жума сураси, 11-оят).

«Саҳийҳул Бухорий» китобида ривоят қилинишича, жума кунида Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) тик турган ҳолда жума хутбасини ўқиётганларида, Шом заминидан савдогарлар карвони ноғора ва карнайлар чалиб савдо моллари билан Мадинага кириб келади. Шунда саҳобаларнинг аксарияти Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)ни тик туриб хутба ўқиётган ҳолларида қолдириб савдо-сотик қилиш учун масжиддан чиқиб карвон томонига югуришади. Шу вақт Аллоҳ таоло Жума сурасининг ушбу оятини нозил қилади.

Хўш, энди ўзингиз айтинг, бир муфтий ёки имом хатиб масжидда хутба ўқиб маъруза қилиб турганида масжид ташқарисида бир воқеа содир бўлса, масалан, икки киши жанжаллашиб қолса, биз ояти каримада келганидек ўйин-кулги бўлса демаймиз, шунда жума намозига келган намозхонлар хутбанинг ўртасида масжиддан ташқарига югуриб чиқишса, хутба қилаётган муфтий ёки имом хатиб бу ишга нима деб айтади ва уни қандай баҳолайди? Намозхонларнинг бу ишини яхши ва одобли иш бўлди, деб айтадимми ёки буткул нотўғри ва ноҳўя иш бўлди, дейдимми?!

Муфтий ёки имом хатиб бу саволга нима деб жавоб берсалар, биз ҳам ўша жавобни саҳобаларга нисбатан айтамыз.

## **Олтинчи масала: Пайғамбар (с.а.в) васият ёзиб қолдирмоқчи бўлганларида саҳобалар томонидан у зотга ҳурматсизлик қилиниши**

Аҳли суннатнинг бир неча мўътабар ва ишончли манбаларида, жумладан «Саҳийҳул Бухорий» ва «Саҳийҳул Муслим» китобларида ривоят қилинишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) умрларининг охириги дамларида васият ёзиб қолдирмоқчи бўладилар. Шунда ул зот менга: «Бир қоғоз ва қалам олиб келинглар, токи сизларга бир нарса ёзиб қолдирай», деб айтганларида баъзи саҳобалар ул ҳазратга беадаблик ва ҳурматсизлик қилиб: «У алаҳсираяпти, унга дард золиб келди», дейишади. Ушбу дардли воқеа-ҳодисанинг аҳамияти юқори бўлгани учун биз бу ерда ҳадиснинг арабча матнини таржимаси билан бирга келтирамиз.

**Биринчи ҳадис:** Ибн Аббос розияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:

٢٨٨٨ - حدثنا قبيصة: حدثنا ابن عيينة، عن سليمان الأحمول، عن سعيد ابن جبير، عن ابن عباس رضي الله عنهما: أَنَّهُ قَالَ: يَوْمَ الْحَمِيرِ، وَمَا يَوْمَ الْحَمِيرِ ثُمَّ بَكَى حَتَّى خَضَبَ دَمْعُهُ الْحُصْبَاءَ، فَقَالَ: اشْتَدَّ بِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَجَعُهُ يَوْمَ الْحَمِيرِ، فَقَالَ: (اِثْنَوَيْ بِكِتَابٍ، أَكْتُبُ لَكُمْ كِتَابًا لَنْ تَصِلُوا بَعْدَهُ أَبَدًا). فَتَنَازَعُوا، وَلَا يَنْبَغِي عِنْدَ نَبِيِّ تَنَازُعٍ فَقَالُوا: هَجَرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَ: (دَعُونِي فَأَلْدِي أَنَا فِيهِ خَيْرٌ مِمَّا تَدْعُونِي إِلَيْهِ).

«Пайшанба куни, Пайшанба куни қандай кун эди?! дедилар-да, сўнг йигладилар, шу даражадаки, у зотнинг кўз ёшлари тошчаларни намлади. Кейин Ибн Аббос сўзларини давом эттириб дедилар: Пайшанба куни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг касалликлари огирлашди. Бас у зот: «Менга бир қоғоз келтирингиз, токи сизларга шундай бир мактуб ёзиб қолдирайки, ундан кейин ҳеч қачон адашмагайсиз», дедилар. Шунда саҳобалар ўзаро низо қилиб тортиша бошлашди, ваҳоланки, Пайғамбар ҳузурларида тортишиш ярашиқли иш эмасди. Шу пайт баъзи кимсалар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) алаҳсираяпти», деди. Бу ҳолатни кўрган Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам): «Мени тарк этинглар! Чунки, мендаги бўлган нарса сизлар мени чақираётган нарсдан кўра яхшироқдир», дедилар».<sup>1</sup>

**Иккинчи ҳадис:** Яна Ибн Аббос розияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:

1. Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий, «Саҳийҳул Бухорий», 60-Китобул жиходи вас-сияри, 172-Бобу жавоъизил вафди, 3-жилд, 111-бет, 2888-ҳадис.

٥٣٤٥ - حَدَّثَنَا إِبْرَاهِيمُ بْنُ مُوسَى: حَدَّثَنَا هِشَامٌ، عَنْ مَعْمَرٍ، وَحَدَّثَنِي عَبْدُ اللَّهِ بْنُ مُحَمَّدٍ: حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ: أَخْبَرَنَا معمر، عن الزُّهري، عن عُبَيْدِ اللَّهِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ، عن ابن عباس رضي الله عنهما قَالَ: لَمَّا خُصِرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَفِي الْبَيْتِ رِجَالٌ، فِيهِمْ عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ، قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: (هَلُمَّ أَكْتُبْ لَكُمْ كِتَابًا لَا تَضِلُّوا بَعْدَهُ). فَقَالَ عُمَرُ: إِنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَدْ غَلَبَ عَلَيْهِ الْوَجَعُ، وَعِنْدَكُمْ الْقُرْآنُ، حَسْبُنَا كِتَابُ اللَّهِ. فَاخْتَلَفَ أَهْلُ الْبَيْتِ فَاخْتَصَمُوا، مِنْهُمْ مَنْ يَقُولُ: قَرِّبُوا يَكْتُبْ لَكُمْ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كِتَابًا لَنْ تَضِلُّوا بَعْدَهُ، وَمِنْهُمْ مَنْ يَقُولُ مَا قَالَ عُمَرُ، فَلَمَّا أَكْثَرُوا اللَّغْوَ وَالْإِخْتِلَافَ عِنْدَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: (قُومُوا عَنِّي). قَالَ عُبَيْدُ اللَّهِ: فَكَانَ ابْنُ عَبَّاسٍ يَقُولُ: إِنَّ الرِّزْيَةَ كُلَّ الرِّزْيَةِ مَا حَالَ بَيْنَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَبَيْنَ أَنْ يَكْتُبَ لَهُمْ ذَلِكَ الْكِتَابَ، مِنْ إِخْتِلَافِهِمْ وَلَعْظِيمِهِ.

«Менга қозғоз ва қалам келтирингиз, токи сизларга шундай бир мактуб ёзиб қолдирайки, оқибат ушбу мактубдан кейин зинҳор йўлдан озмагайсиз. Уша ерда тўпланганлар орасидан Умар, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг бу сўзларига қаршилик кўрсатиб: «Шубҳасиз, дард Пайгамбарга голиб келган ва у алаҳсирамоқда, сизларнинг ёнингизда Қуръон бор, Аллоҳнинг китоби биз учун етарлидир», деди.

Уйда тўпланганлар ўзаро ихтилоф қилиб тортиша бошлашди. Уларнинг айримлари Расулulloҳга қозғоз ва қалам келтирингиз, токи сизларга шундай бир мактуб ёзиб қолдирсинларки, оқибат ул зотдан кейин ҳаргиз йўлдан озмагайсиз, дейишарди ва баъзилар эса Умар айтган сўзни такрорлашарди. Улар Пайгамбар ҳузурларида шовқин-сурон ва ихтилофни авжига чиқаргач, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) менинг ҳузуримдан туриб кетингиз, деб буюрдилар».

«Ушбу ҳодисадан афсусланган Ибн Аббос (разияллоҳу анҳу) доимо шундай дерди:

Бутун мусибат, саҳобаларнинг ўзаро қилган ихтилофлари ва шовқин-суронлари оқибатида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) уларнинг ҳидояти учун мактуб ёзиб қолдиришларига тўсқинлик қилинганидан буён юзага келди».<sup>1</sup>

1. Ушбу дардли воқеа-ҳодисани ўз китобида келтирган Аҳл суннатнинг буюк олимлари қуйидагилардан иборат:

- Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий, «Саҳийҳул Бухорий», Китобул марзо, бобу қовлил марийиз қувмуу анний, 5669-ҳадис ва шунингдек, Китобул иътисом бил-китоби вас-суннаҳ, 26-бобу кироҳийятил хилоф, 7366-ҳадис.



Аллоҳнинг китоби биз учун етарли, деб айтган саҳоба наҳотки Аллоҳнинг қўйидаги каломидан беҳабар бўлса:

﴿وَمَا آتَاكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَانْتَهُوا وَاتَّقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعِقَابِ﴾

«Пайгамбар сизларга берган нарсани олингиз ва у зот сизларни қайтарган нарсдан қайтингиз. Аллоҳдан қўрқинглар. Шубҳасиз, Аллоҳ жазоси шиддатли зотдир». (Ҳашр сураси, 7-оят)

Қуръонда нозил бўлган Аллоҳнинг кўрсатмаларини одамларга баён қилиб тушунтириб бериш иши Аллоҳ таоло томонидан пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га топширилган. Бу борада Қуръони Каримда шундай дейилган:

﴿وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الذِّكْرَ لِتُبَيِّنَ لِلنَّاسِ مَا نُزِّلَ إِلَيْهِمْ وَلَعَلَّهُمْ يَتَفَكَّرُونَ﴾

«Ва одамларга нозил қилинган нарсаларни уларга баён қилиб беришинг учун сенга бу эслатмани – Қуръонни нозил қилдик. Шоядки, тафаккур қилсалар». (Наҳл сураси, 44-оят)

Пайғамбарнинг айтганларига сўзсиз итоат қилиш кераклиги ва у зотнинг йўл-йўриқларидан бош тортиш эса дўзахга киришга олиб келиши ҳақида Қуръонда шундай дейилган:

﴿وَمَنْ يَعْصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَيَتَعَدَّ حُدُودَهُ يُدْخِلْهُ نَارًا خَالِدًا فِيهَا وَلَهُ عَذَابٌ مُهِينٌ﴾

«Ким Аллоҳ ва Унинг Расулига итоатсизлик қилиб Аллоҳнинг белгилаб қўйган чегараларидан ошиб ўтса, уни абадий қолувчи бўлган ҳолда дўзахга киритур. Ва унинг учун хор қилгувчи азоб бордир». (Нисо сураси, 14-оят)

Ислом оламида мусулмонлар ўртасида юзага келган кўп тортишув ва ихтилофлар ҳамда қонли тўқнашувларнинг барчаси Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га кўрсатилган ушбу ҳурматсизлик ва беадаблик учун юзага келган. Шу боис, Ибн Аббос розияллоҳу анҳу юқоридаги икки ҳадисни Саййидул анбиёдан ривоят қиларканлар, ўксиниб кўз ёш тўқкан ҳолда айтадилар:

- 
- Муслим ибн Ҳажжож, «Саҳиҳул Муслим», Китобул-васийях, бобу таркил-васийяти лиман лайса лаху шайъун ювсий фийҳи, 4123, 4124, ва 4125-ҳадислар.
  - Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳанбал, «Ал-Муснад», 1-жилд, 534-бет ва айрим нашрларда 325-бет, 2983-ҳадис.
  - Ибн Касир, «Ал-бидаяту ван-ниҳаях», 5-жилд, 214-бет ва айрим нашрларда 251-бет.
  - Абу Зайд Аҳмад ибн Саҳл Ал-Балхий, «Китобул бадъи ват-тарих», 2-жилд, 136-бет.

إِنَّ الرِّبِّيَّةَ كُلَّ الرِّبِّيَّةِ مَا حَالَ بَيْنَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَبَيْنَ أَنْ يَكْتُبَ لَهُمْ ذَلِكَ الْكِتَابَ، مِنْ اخْتِلَافِهِمْ وَلَعَطِهِمْ.

«Бутун мусибат, саҳобаларнинг ўзаро қилган ихтилофлари ва шовқин-суронлари оқибатида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) уларнинг ҳидояти учун мактуб ёзиб қолдиришларига тўсқинлик қилинганидан буён юзага келди».

Баъзи саҳобаларнинг пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ўз васиятларини ёзиб қолдиришга тўсқинлик қилишганидан бошлаб, Ислом оламининг бутун мусибатлари бошланди.

Маждуддин ибн ал-Асир ўзининг «Ан-Ниҳоя» китобида айтган сўзига кўра, ушбу هَجَرَ يَهْجُرُ «ҳажжаро, яҳжжиру» сўзи араб тилида ҳақоратлаш ва сўкиш бўлиб, алахсирамоқ маъносини англатади. У яна қўшимча қилиб айтади:

والقاتل كان عمر ولا يظن به ذلك.

«Пайғамбар (с.а.в)га алахсирашни нисбат берган киши Умар ибн Хаттоб эди ва у бундай гапни айтади, деб гумон қилинмаган эди».<sup>1</sup>

«Саҳийҳул Бухорий» китобига шарҳ ёзган Бадриддин Айний бу ҳақда айтади:

هذه العبارات كلها فيها ترك الأدب والذكر بما لا يليق بحق النبي صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ولقد أفحش من أتى بهذه العبارة.

«Ушбу таъбирларнинг барчасида [яъни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) алахсираяпти, дард Пайғамбарга золиб келган ва у алахсирамоқда, Аллоҳнинг китоби биз учун етарлидир, деган таъбирларнинг барчасида] Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг шаънларига муносиб бўлмаган одобсизлик ва ҳурматсизлик бор. Бу таъбирларни тилига келтирган киши ҳақиқатдан Пайғамбарни ҳақорат қилиб беадаблик қилган».<sup>2</sup>

Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий ўзининг «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» номли китобида саҳобаларнинг қиёмат кунидаги аҳволи ҳақида Абу Ҳурайрадан шундай ривоят қилади: Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) айтадилар:

1. Маждуддин ибн ал-Асир, «Ан-Ниҳаяту фий горийбил-ҳадиси вал-асари», 5-жилд, 246-бет.

2. Бадриддин Абу Муҳаммад Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Айний, «Умдатул қорий», 14-жилд, 298-бет.

٦٢١٥ حدثنا إبراهيم بن المنذر الحزامي حدثنا محمد بن فليح حدثنا أبي قال حدثني هلال بن علي عن عطاء بن يسار عن أبي هريرة عن النبي صلى الله عليه وآله قال: بينا أنا قائم إذ أقبلت زُمرة حتى إذا عرفتهم خرج رجلٌ من بيني وبينهم، فقال: هلم، فقلتُ أين؟ فقال إلى النارِ والله، قلتُ: ما شأنهم؟ قال: إنهم ارتدوا بعدك على أدبارهم القهقري. ثم إذا زُمرة حتى إذا عرفتهم خرج رجلٌ من بيني وبينهم، فقال: هلم، فقلتُ: أين؟ قال إلى النارِ والله، قلتُ: ما شأنهم؟ قال: إنهم ارتدوا بعدك على أدبارهم القهقري. فلا أراه يخلص منهم إلا مثلُ هملِ النَّعم.

«Мен қиёмат кунида Кавсар Ҳовузи ёнида турган бўламан. Шунда ногаҳон бир гуруҳ менга кириб келади. Токи, мен уларни таниганимда, мен билан уларнинг орасидан бир киши чиқиб [ва улар билан учрашишимга тўсқинлик қилиб] уларга: «Келинлар», дейди. Шунда мен: «Қаерга», деб айтаман. У эса: «Аллоҳга қасамки, дўзах олови томонга», дейди. Мен: «Улар нима иш қилдилар?», деб сўрайман. У сўзимга жавобан: «Сиздан кейин улар орқаларига, жоҳилият даврига қайтдилар», дейди. Сўнгра яна бир гуруҳ менга кириб келади. Токи, мен уларни таниганимда, мен билан уларнинг орасидан бир киши чиқиб [ва улар билан учрашишимга тўсқинлик қилиб] уларга: «Келинлар», дейди. Шунда мен: «Қаерга», деб айтаман. У эса: «Аллоҳга қасамки, дўзах олови томонга», дейди. Мен: «Улар нима иш қилдилар?», деб сўрайман. У сўзимга жавобан: «Сиздан кейин улар орқаларига, жоҳилият даврига қайтдилар», дейди. Оқибат, улар орасидан ташлаб кетилган туялар каби жуда оз сонли кишиларгина дўзах оловидан нажот топгани менга кўрсатилади».<sup>1</sup>

Энди ўзингиз хулоса чиқаринг, ўзини дўзах оловидан қутқара олмаган кўпчилик саҳобалар қандай қилиб бизга ҳидоят ва нажот йўлини кўрсатиб, бизни жаҳаннам оловидан қутқара олади?! Ва қандайига саҳобаларнинг йўлини тутганлар нажот топувчи тоифадан бўлишлари мумкин?! Ваҳоланки, саҳобаларнинг ўзлари жаҳаннам оловидан нажот топувчи эмаслар!! «Саҳиҳул Бухорий» ва «Саҳиҳул Муслим» китобларида кўпчилик саҳобаларнинг дўзах аҳлидан эканлиги ҳақида ўн еттита ҳадис ривоят қилинган.

1. Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий, «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ», 81-Китобур-Риқоқ, 53-бобун фил-Ҳавз, 6215-ҳадис, аммо Байрут-Ливан Дорул фикр литтобаъати ван-нашр чопида эса 6587-ҳадис.

Демак, Ҳоким Нисобурий ўзининг «Ал-Мустадраку алас-саҳийҳайн» китобида Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан ривоят қилган куйидаги ҳадисда:

مَا أَنَا عَلَيْهِ الْيَوْمَ وَأَصْحَابِي

«Мен ва саҳобаларимнинг бугунги йўлидан борганлар нажот топувчи тоифадир.» Мен ва саҳобаларимнинг бугунги йўли нажот йўли, деб таъкидлангани шояд ушбу ҳақиқатга ишорадирки, Саййидул анбиёнинг умрлари охирида ва ундан кейин кўпчилик саҳобаларнинг тутган йўли ул зотнинг кўрсатмалари ва Суннати шарифлари асосида эмасди ва бизнинг фикримизча, биринчидан саҳобаларнинг йўли нажот йўли эканлиги ҳақидаги ҳадис тўқима ва уйдирма бўлиши мумкин ва агарда саҳиҳ бўлган тақдирда ҳам ушбу ҳадис тарихий воқеа-ҳодисаларга тўғри келмайди. Қуръони Каримда айтилишича, ҳазрати Нуҳ пайғамбар ва ҳазрати Лут пайғамбарнинг хотинлари ва ҳатто ҳазрати Нуҳ (алайҳис салом)нинг ўғилларидан бири у буюк зотларнинг йўлидан бормай, охир-оқибат Аллоҳнинг азобига дучор бўлишди. Демак, Аллоҳнинг танлаган Пайғамбарлари билан ҳамроҳ ва суҳбатдош бўлмоқлик инсонни тубдан ўзгартириб нажот топувчилардан қилади дегани эмас, балки ҳар бир инсон ҳаётида ўз ирода-ихтиёри билан қабул қилган ақидаси ва бажарган амалига яраша нажот аҳлидан ёки ҳалок бўлувчилардан бўлади.

Бу ерда айтилганлардан ташқари яна бир ингичка масалани айтиб ўтишимиз керак. Ушбу масала шундан иборат: Саййидул анбиёнинг саҳобалари бошқа одамлар қатори оддий кишилар бўлиб, мусулмонларга ҳидоят ва нажот йўлини кўрсата оладиган инсонлар бўлмаганлар. Зеро, инсонларга ҳидоят ва нажот йўлини кўрсатадиганлар Аллоҳ таоло томонидан йўлбошчи ва раҳнамо этиб тайинланган бўлиши лозим. Бунинг учун Аллоҳ таоло Сарвари коинот Муҳаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)ни Ўзининг сўнгги элчиси ва пайғамбари этиб танлаган ва ул зотдан кейин эса Ислом умматига, қолаверса бутун инсониятга ҳидоят ва нажот йўлини кўрсатиш учун у зотнинг Аҳли-Байтларидан бўлган ўн икки имом ва раҳнамоларни тайин этган. Уларнинг биринчиси мўминлар амири ва тақводорлар сардори ҳазрати Али (алайҳис салом) бўлиб, охиргиси эса замонамиз соҳиби ва пешвоси Имом Маҳдий (алайҳис салом)дирлар. Шакшубҳасиз, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан сўнг ушбу ўн икки имом ва пешволарнинг йўлидан борган мусулмонларгина нажот топувчи тоифадан бўлиб, бу ҳақда Қуръони Карим оятларидан ва

Пайғамбаримизнинг ҳадиси шарифларидан жуда кўплаб далиллар мавжуд. Биз бу ерда уларнинг баъзиларини келтирамиз ва хулоса чиқаришни эса ўзингизга қўйиб берамиз:

### 1. Ўн икки халифа ва раҳнамо ҳақидаги ҳадис:

Аҳли суннатнинг энг мўътабар ва ишончли китоби бўлмиш «Саҳиҳи Бухорий»да ўн икки раҳнамо ҳақида қуйидаги ҳадис ривоят қилинган:

حدثني محمد بن المثنى حدثنا غندر حدثنا شعبة عن عبد الملك سمعت جابر بن سمرة قال سمعت النبي - صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ - يَقُولُ: «يَكُونُ إِثْنَا عَشَرَ أَمِيرًا - فَقَالَ كَلِمَةً لَمْ أَسْمَعْهَا - فَقَالَ أَبِي إِنَّهُ قَالَ كَلِمَةً مِنْ قُرَيْشٍ»

Жобир ибн Самура айтади: Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам): «Мендан кейин ўн икки амир бўлажак», дедилар. Сўнг эса яна бир қандайдир сўз дедилар, мен уни эшитолмадим. Шунда отам деди: Ул зот: «Уларнинг ҳаммаси Қурайшдандир»<sup>1</sup>, деб марҳамат қилдилар.

«Саҳиҳул Муслим»да ушбу ҳадис қуйидагича ривоят қилинган:

Жобир айтади: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан шундай деб марҳамат қилганларини эшитдим:

سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ - صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ - يَقُولُ: «لَا يَزَالُ الْإِسْلَامُ عَزِيْرًا إِلَىٰ إِثْنَا عَشَرَ خَلِيْفَةً ثُمَّ قَالَ كَلِمَةً لَمْ أَفْهَمْهَا، فَقُلْتُ لِأَبِي: مَا قَالَ؟ فَقَالَ كَلِمَةً مِنْ قُرَيْشٍ»

«Модомики, ўн икки халифа ва ворис бор экан, ислом азиз ва юксак қолажак». Сўнгра яна бир сўз дедилар, мен уни англай олмадим. Бу ҳақда отамдан сўраганимда, отам: Ул ҳазрат: «Уларнинг ҳаммаси Қурайшдандир»<sup>2</sup>, деб марҳамат қилдилар, деди.

Шунингдек, Муслим ибн Ҳажжож Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан мазкур ҳадисни қуйидагича ҳам ривоят қилади:

«لَا يَزَالُ أَمْرُ النَّاسِ مَاضِيًّا مَا وَلِيَهُمْ إِثْنَا عَشَرَ رَجُلًا».

«Модомики, ўн икки киши [халифа] инсонларга раҳнамолик қилар экан, уларнинг иши ўнгидан келади».<sup>3</sup>

1. Бухорий, «Саҳиҳул Бухорий», Китобул аҳком, бобул истихлоф, 6796-рақамли ҳадис.

2. Муслим, «Саҳиҳул Муслим», китобул умаро, Ан-носу табаун лиҚурайш боби, вал-хилофату фий Қурайш унвони, ҳадис рақами: 1821/4598.

3. Олдинги манба.

Муснади Аҳмад ибн Ҳанбал китобида машҳур саҳоба Абдуллоҳ ибн Масъуддан ушбу ҳадис қуйидагича ривоят қилинган:

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан ул зотнинг халифалари ва ворислари ҳақида сўралганда, ул ҳазрат:

«إِنَّا عَشْرَ كَعْبَةٍ نُقَبَاءِ بَنِي إِسْرَائِيلَ»

«Уларнинг сони бани Исроил нақибларининг [бошлиқларининг] сони сингари ўн иккитадир»,<sup>1</sup> деб марҳамат қилдилар.

Ушбу ҳадиси шарифларга кўра, нажот топувчи тоифа фақат ўн икки халифа ва йўлбошчини тан олиб, уларга эргашган ва уларнинг кўрсатган йўлидан борган мусулмонларгина бўла олади, холос. Гап шундаки, ўн икки имомга эътиқод қилувчи шиалардан бошқа исломий мазҳаблардан қайси бири бу даъвони қила олади?

Сўзимизнинг тасдиғи сифатида Аҳли суннатнинг йирик олимлари ўн икки халифа ва йўлбошчи ҳақидаги мазкур ҳадисларга доир билдирган фикр-мулоҳазаларини кўздан кечирамиз.

«Саҳиҳул Муслим» китобига шарҳ ёзган Имом Нававий мазкур ҳадисларнинг маъно-мазмуни ҳақида айтади:

ويحتمل أوجهًا آخر والله أعلم بمراد نبيه صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ

«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ушбу ҳадисдан бошқа маъноларни назарда тутгандирлар. Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарининг кўзлаган мақсадини билувчироқдир».<sup>2</sup>

«Саҳиҳи Бухорий» китобига шарҳ ёзган Ҳофиз Ибн Ҳажар Асқалоний бу борада ёзади:

والعلم عند الله تعالى بعد ذكر أقوالٍ مختلفةٍ حول عدد الخلفاء والأئمة الذين لا بُدَّ أن يكونوا من قريش ولم ينته إلى النتيجة.

1. Аҳмад ибн Ҳанбал, «Муснади Аҳмад», 1-жилд, 398-бет.

2. Имом Нававий, «Саҳиҳул Муслим бишарҳин-Нававий», Байрут, Ливан чопи, дорул китобил-арабий нашриёти, 12-жилд, 201-бетдан 203-бетларгача ва шунингдек, имом Нававий, «Шарҳу Саҳиҳи Муслим» Байрут, Ливан чопи, дорул қалам нашриёти, 33-китобул имаараҳ, 12-жилд, 443-бетдан 445-бетларгача.

«Қурайш қабиласидан бўлиши шарт бўлган халифалар ва имомлар сони хусусида турли қавлларни [назарларни] зикр қилиб [муайян] натижага эриша олмагач, унинг илми Аллоҳ таоло наздидадир, деймиз».<sup>1</sup>

Демак, ушбу ҳадисларни Аҳли-Байт мазҳаби тарафдорлари эътикод қиладиган ўн икки имом ва раҳнамолардан бошқа ҳеч кимга татбиқ этиб бўлмайди. Чунки, Аҳли суннат уламолари мазкур ҳадислар кимга тегишли эканлиги ҳақида тўғри фикр-мулоҳаза билдира олишмаган. Негаки уларнинг ақидасига биноан, агар дастлабки тўрт халифага бани Уммайя ва бани Аббос халифаларини кўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, уларнинг сони ўн икки нафардан ошиб кетади ёхуд агар ёлғиз бани Аббос халифаларини назарга оладиган бўлсак-да, яна ўн икки сонга тўғри келмайди. Ҳар қандай ҳисоблаган тақдирда ҳам, ўн икки халифа ва раҳнамони чиқариб бўлмайди. Аммо ушбу ҳадисдан фақат шиаларнинг ўн икки имомигина назарда тутилгани тўғрисида аниқ ва равшан далил-исботлар мавжуд.

## 2. Ҳазрати Алининг шиалари халойиқнинг энг яхшилари дир, деган ҳадислар:

Аҳли суннат уламолари томонидан ривоят қилинган ҳадисларда пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) илк маротаба «шиа» сўзини ҳазрат Али (алайҳис салом)нинг издошларига нисбатан ишлатиб, ўз саҳобаларини шу йўлга чақирганлар.

1. Аҳли суннатнинг буюк тафсирчи олими Жалолуддин Суютий қуйидаги Баййина сурасининг 7-ояти:

﴿إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ أُولَٰئِكَ هُمْ خَيْرُ الْبَرِيَّةِ﴾

«Албатта, иймон келтирган ва солиҳ амаллар қилган зотлар – ана ўшалар халойиқнинг энг яхшилари дир» тафсирида Саййидул анбиёдан бир неча ҳадисларни ривоят қилган:

أخرج ابن عساکر عن جابر بن عبد الله قال: كنتُ عند النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ فأقبل علي، فقال النَّبِيُّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ: «وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ إِنَّ هَذَا وَشِيعَتَهُ لَهُمُ الْفَائِزُونَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ» وَ نَزَلَتْ: ﴿إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ أُولَٰئِكَ هُمْ خَيْرُ الْبَرِيَّةِ﴾ فَكَانَ أَصْحَابُ النَّبِيِّ إِذَا أَقْبَلَ عَلَيَّ قَالُوا: جَاءَ خَيْرُ الْبَرِيَّةِ

1. Хофиз Ибн Ҳажар Асқалоний, «Фатҳул-Борий шарҳи Саҳиҳил Бухорий», Байрут, Ливан чопи, дорул кутубил илмийя нашриёти, Китобул аҳком, 2-бобул умароҳ мин Қурайш, 13-жилд, 147-бетдан 150-бетларгача.

2. Ибн Асокир ўз санади билан Жобир ибн Абдуллоҳ Ансорий (*разияллоҳу анҳу*)дан ривоят қилади: Жобир ибн Абдуллоҳ Ансорий айтади: Биз Набий (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) ҳузурларида эдик. Шунда Али кириб келди. Ул ҳазрат унга ишора қилиб шундай марҳамат қилдилар: «Менинг жоним Унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, шак-шубҳасиз, бу [Али] ва унинг шиалари [издошлари] қиёмат кунда нажот топувчилардир.» Шу пайт ушбу оят нозил бўлди: «Албатта, иймон келтирган ва солиҳ амаллар қилган зотлар – ана ўшалар халойиқнинг энг яхшиларидир». Шу боис, Сарвари оламнинг саҳобалари Али (*алайҳис салом*)нинг келаётганини кўрсалар, «халойиқнинг энг яхшиси келди», деб айтардилар.<sup>1</sup>

و أخرج ابن عدي عن ابن عباس قال: لما نزلت: ﴿إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ أُولَئِكَ هُمْ خَيْرُ الْبَرِيَّةِ﴾ قال رسول الله صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ لِعَلِيٍّ: «هو أنت وشيعتك يوم القيامة راضين مرضيين».

3. Ибн Удай ўз санади билан Ибн Аббос (*разияллоҳу анҳу*)дан ривоят қилади: Ибн Аббос (*разияллоҳу анҳу*) айтади: «Албатта, иймон келтирган ва солиҳ амаллар қилган зотлар – ана ўшалар халойиқнинг энг яхшиларидир» ояти нозил бўлганда, Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) ҳазрати Али (*алайҳис салом*)га қараб шундай марҳамат қилдилар: «Оятдаги энг яхши халойиқ сен ва сенинг шиаларинг [издошларинг] бўлиб, сизлар рози бўлувчи ва рози бўлинган ҳолда бўлгайсиз».<sup>2</sup>

وأخرج ابن مردويه عن عليّ قال: قال لي رسول الله صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ: «ألم تسمع قول الله: ﴿إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ أُولَئِكَ هُمْ خَيْرُ الْبَرِيَّةِ﴾ أنت وشيعتك، و موعدي و موعدكم الحوض اذا جئت الأمم للحساب تدعون غرّاً مُحَجَّلِينَ»

4. Ибн Мардавайҳ ўз санади билан ҳазрати Али (*алайҳис салом*)дан шундай ривоят қилади: Ул ҳазрат айтдилар: Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)

1. Ушбу ҳадис Аҳли суннат уламоларининг қуйидаги манбаларида келган:

- Жалолуддин Суютий, «Ад-Дуррул мансур», 6-жилд, 643-бет, Баййина сурасининг 7-ояти тафсирида.
- Шавкониий, «Фатҳул қадир», 5-жилд, 477-бет, мазкур ояти карима тафсирида.
- Шабланжий, «Нурул абсор», фаслун фий зикри маноқиби саййидино Алий ибн Аби Толиб, 158 ва 159-бетлар.

2. Ушбу ҳадисни ўз китобида келтирган Аҳли суннат олимлари қуйидагилардан иборат:

- Табарий, «Жомиъул баён тафсири», 15-жилд, 335-бет, мазкур ояти карима тафсирида.
- Олусий, «Рухул маоний», 15-жилд, 432-бет, мазкур ояти карима тафсирида шу мазмундаги қўплаб ҳадисларни ривоят қилган.
- Ибн Ҳажар, «Ас-Савоиқул муҳриқаҳ», 11-боб, 1-фасл, 11-оят, 161-бет.



менга қараб дедилар: «Аллоҳнинг ушбу каломини: «Албатта, иймон келтирган ва солиҳ амаллар қилган зотлар – ана ўшалар халойиқнинг энг яхшиларидир» эшитмаганмисан?! Бу оятдаги энг яхши халойиқ сен ва сенинг шиаларинг [издошларинг] бўлиб, мен ва сизларнинг ваъдагоҳимиз Кавсар ҳовузидир. Одамлар ёнига ҳисоб-китоб учун келганингда, сизлар пешанасидан нур тараладиган юзи ёруғ ҳолда чақириласизлар».<sup>1</sup>

5. Ибн Мағозилий ўз санади билан Анас ибн Моликдан ривоят қилади: Саййидул анбиё Муҳаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) шундай марҳамат қилдилар:

«يدخلون من أمتي الجنة سبعون ألفاً لا حسابَ عليهم. ثمَّ التفت إلى عليٍّ فقال: هم شيعتك وأنت إمامهم».

«Умматимдан етмиш минг нафар ҳеч бир ҳисоб-китобсиз жаннатга дохил бўлгайлар. Сўнгра ул зот Али (алайҳис салом)га юзланиб: «Улар сенинг шиаларинг бўлиб, сен уларнинг имоми ва пешвосисан», дедилар».<sup>2</sup>

6. Хоразмийнинг ўз санади билан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан шундай ривоят қилади: Пайғамбар (с.а.в) Али (алайҳис салом)га қараб дедилар:

«وإنَّ شيعتك علي منابر من نور وإنَّ الحقَّ علي لسانك...»

«Ва албатта, сенинг шиаларинг нурдан бўлган минбарлар устида бўлурлар ва шубҳасиз, ҳақ сенинг тилингдадир...»<sup>3</sup>

7. Ганжий Шофеийнинг ўз санади билан Абу Саид Худрийдан ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳазрати Али (алайҳис салом)га ишора қилиб дедилар:

«هذا وشيعته هم الفائزون يوم القيامة».

1. Ушбу ҳадисни қуйидаги Аҳли суннат олимлари ўз китобларида келтирганлар:

- Ибн Мардавайх, «Маа назала минал-Қуръони», 578-ҳадисдан 581-ҳадисларгача, 346 ва 347-бетлар, Баййина сурасининг 7-ояти тафсирида.
  - Ҳокими Ҳасаконий, «Шавоҳидут-танзил», 2-жилд, 495-бет, 1125-ҳадисдан 1148-ҳадисларгача, ушбу мазмунда йигирма тўртта ҳадис ривоят қилган.
  - Хатиби Бағдодий, «Тарихи Бағдод», исми Исом шахсининг зикрида, 6731-рақамда, Исом ибн Ҳакам Ал-Аъбарийнинг таржимаи ҳолида, 12-жилд, 289-бет.
2. Ибн Мағозилий, «Маноқибу Амирил мўъминийн», 335 дан 339 – гача бўлган ҳадислар, 293 ва 296- бетлар.
3. Ал-Муваффиқ ибн Аҳмад Ал-Хоразмий, «Ал-Маноқиб», 17-фасл, 247-ҳадис, 266-бет.

«Бу [Али] ва унинг шиалари қиёмат кунда нажот топувчилардир».<sup>1</sup>

8. Ибн Асокир ўз санади билан ҳазрати Али (алайҳис салом)дан шундай ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳазрати Али (алайҳис салом)га қараб дедилар:

«أنت وشيعتك في الجنة».

«Сен ва сенинг шиаларинг жаннатда бўлурсиз».<sup>2</sup>

9. Ҳайсамий Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан шундай ривоят қилади: Сарвари коинот ҳазрати Али (алайҳис салом)га хитоб қилиб дедилар:

«أنت أول داخل الجنة من أمّتي، وإنّ شيعتك علي منابر من نور...»

«Сен умматим орасидан биринчи бўлиб жаннатга дохил бўлурсан ва албатта, сенинг шиаларинг нурдан бўлган минбарлар устида бўлурлар».<sup>3</sup>

10. Самҳудий ўз санади билан ҳазрати Али (алайҳис салом)дан шундай ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) айтадилар:

«السابقون إلي ظلّ العرش يوم القيامة طوي لهم. قيل يا رسول الله! ومن هم؟ قال صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ: شيعتك يا علي ومحبّوك»

«Қиёмат кунда Аллоҳ Аршининг сояси томон ўзиб кетувчиларнинг ҳоли қандай ҳам яхши!» Эй Аллоҳнинг Расули, улар кимлар? деб сўралганда, Пайғамбар (с.а.в): «Эй Али, улар сенинг шиаларинг ва сени суювчилардир», дедилар.<sup>4</sup>

Ушбу мазмундаги ҳадисларни Аҳли суннат уламоларининг кўплари ўз китобларида ривоят қилиб келтирганлар ва биз бу ерда улардан айримларини зикр қилдик.

## Юқоридаги ҳадисларнинг санади

Келтирилган ҳадислар Шиа ва Аҳли суннатдан иборат ҳар икки тоифа уламоларининг китобларида шу даражада кўп ривоят қилинганки, ушбу

1. Ганжий Шофеий, «Кифоятут-толиб», 62-боб, 180-бет.

2. Ибн Асокир, «Тариху мадинати Дамашқ», таржимату имом Али (алайҳис салом), 2-жилд, 345-бет, 845-рақам.

3. Ҳайсамий, «Мажмаъуз-завоид», бобу маноқиби Алий ибн Аби Толиб, 9-жилд, 131-бет.

4. Самҳудий, «Жавоҳирул ақдайн», иккинчи ақд, саккизинчи зикр.

ҳадисларнинг мазмуни пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* томонларидан содир этилганига ишонч ҳосил қиласан киши. Хусусан мазкур ҳадисларни катта бир тоифа Аҳли суннат уламолари ўз эътиқодларига мувофиқ бўлмаса-да, ривоят қилишлари ушбу ҳадислар инкор этиб бўлмас бир ҳақиқат эканлигидан ва улар тўқиб чиқарилган уйдирма ҳадислар эмаслигидан дарак беради. Шунинг учун, Ибн Ҳажар Ҳайтабий мазкур ҳадисларни ривоят қилгач, уларнинг санадида бирор камчилик ва нуқсон топмай, уларнинг маъносини ўзи хоҳлаган томонга таъвил-тафсир қилишга ҳаракат қилади.

## **Юқоридаги ҳадисларнинг маъно-мазмуни**

Мазкур ҳадисларда ҳазрати Али *(алайҳис салом)* ва ул зотнинг шиалари, яъни издошлари «*нажот топувчи тоифа*» ва «*халойиқнинг энг яхшилари*» эканлиги ошкора баён этилган. Демак, ушбу ҳадисларнинг маъно-мазмунига кўра, ҳазрати Али *(алайҳис салом)* Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* дан сўнг мусулмонларнинг ҳақиқий пешвоси ва раҳнамоси ҳамда ислом уммати учун энг яхши ўрнак ва намуна эканликларига ёрқин ишорадир. Шу боис, мазкур ҳадисларнинг маъно-мазмунига кўра, Ислом уммати пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* дан сўнг мўъминлар амири ҳазрати Али *(алайҳис салом)* ни ўзларига ўрнак ва намуна қилиб олиб, ул зотга эргашишлари зарур. Саййидул анбиёдан сўнг ҳазрати Али *(алайҳис салом)* ни пешво ва раҳбар деб билиб ул зотга эргашишни зарур деб билган Сақалайн, Ғадир ва шунга ўхшаш санади саҳиҳ ва мутавотир бўлган ҳадислар юқорида зикр этилган маъно-мазмунни таъкид ва тасдиқ этади.

Бинобарин, ҳаммадан ҳам кўпроқ ўз умматига жонкуяр бўлган Муҳаммад Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* ўз саҳобаларини мўъминлар амири ҳазрати Али *(алайҳис салом)* га эргашишга чорлаб, шиалик тафаккури уларнинг орасида кенг ёйилишига замин яратганлар. Аммо ушбу суҳбатимиздан шу хулосага келамизки, мўъминлар амири ҳазрати Али *(алайҳис салом)* га эргашишдан иборат бўлган шиалик эътиқоди соф ва холис исломдан бошқа нарса бўлмай, Ислом динининг сақланиб қолишига хизмат қиладиган муҳим омил саналади.

Ушбу маънони Аҳли суннат уламоларининг ҳадисий китобларида ривоят қилинган бошқа ҳадислар ҳам қўллаб қувватлайди. Намуна

сифатида Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан куйидаги ҳадисни келтирамиз:

«مَنْ أَطَاعَنِي فَقَدْ أَطَاعَ اللَّهَ وَمَنْ عَصَانِي فَقَدْ عَصَى اللَّهَ وَمَنْ أَطَاعَ عَلِيًّا فَقَدْ أَطَاعَنِي، وَمَنْ عَصَى عَلِيًّا فَقَدْ عَصَانِي».

«Кимки менга итоат қилса, дарҳақиқат, Аллоҳга итоат қилган ва кимки менга итоатсизлик қилса, дарҳақиқат, Аллоҳга итоатсизлик қилган ва кимки Алига итоат қилса, дарвоқе, менга итоат қилган ва ҳар ким Алига итоатсизлик қилса, дарҳақиқат, менга итоатсизлик қилган бўлади».<sup>1</sup>

### **3. Санад жиҳатидан саҳиҳ ва мутавотир даражасида бўлган Ғадийр ва Сақалайн ҳадислари:**

Шак-шубҳасиз, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Ғадирри Хум куниси барча саҳобаларга ҳидоят ва нажот йўлини кўрсатиб, Аллоҳ таолонинг амри билан ўзларидан кейинги Ислом умматига раҳнамолик ва йўлбошчилик қиладиган кишиларни ошкора баён қилдилар. Уларнинг биринчиси мўминлар амири ва тақводорлар сардори ҳазрати Али (алайҳис салом) бўлиб, охиргиси эса замонамиз Соҳиби ва Сарвари Имом Маҳдий (алайҳис салом) дирлар. Сарвари коинот «Сақалайн» деб номланган ҳадисда ушбу ҳақиқий раҳнамолар ул зотнинг Аҳли-Байтларидан эканлигини ҳам ошкора баён қилганлар. Биз «Сақалайн ҳадиси» ва «Ғадийр ҳадиси» мавсусига доир суҳбатимизда ушбу ҳадисларнинг маъно-мазмунини тўлиқ ёритиб берганмиз. Ушбу саҳиҳ ва мутавотир бўлган ҳадиси шарифларга кўра, нажот топувчи тоифа бу – Саййидул анбиё Муҳаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан сўнг ул зотнинг Аҳли-Байтларидан бўлган ўн икки имом ва пешволарга эргашган ва у зотларнинг йўлини тутган мусулмонлардир. Шак-шубҳасиз, Ислом уммати орасида фақат исно ашарий, яъни ўн икки имомлик шиаларгина Пайғамбаримизнинг ҳақиқий ворис ва давомчилари бўлган зотларга эргашиб, уларнинг йўлини тутганлар ва фақат уларгина нажот топувчи тоифа бўла оладилар.

### **4. «Ҳазрати Али ҳақ билан ва ҳақ ҳам Али билан бирга» деган ҳадислар:**

---

1. Ибн Асокир, «Тариху мадинати Дамашқ», 2-жилд, 266-бет, 793-ҳадисдан 795-гача ҳадислар ва шунингдек, Ҳоким Нишобурий, «Ал-Мустадрок», 3-жилд, 138-бет.

عَنْ أَبِي ثَابِتٍ مَوْلَى أَبِي ذَرٍّ، قَالَ: دَخَلْتُ عَلَى أُمِّ سَلَمَةَ فَرَأَيْتَهَا تَبْكِي وَتَذْكُرُ عَلِيًّا وَقَالَتْ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: عَلِيٌّ مَعَ الْحَقِّ وَالْحَقُّ مَعَ عَلِيٍّ وَلَنْ يَفْتَرِقَا حَتَّى يَرِدَا عَلِيَّ الْحَوْضَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ.

«Абу Зар (разияллоҳу анҳу)нинг хизматкорлари Абу Собит ривоят қилиб дедик, Пайгамбаримизнинг аёллари Умму Саламанинг ҳузурига кирдим ва уни йиглаётган ҳолда кўрдим ва ўша ҳолатда ҳазрати Али (алайҳис салом)ни ёдга олиб, шундай дерди: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан шундай деб марҳамат қилганларини эшитдим: Али ҳақ билан бирга ва ҳақ ҳам Али билан биргадир ва Қиёмат куни Ҳавзи Кавсар ёнида бу иккаласи менга кириб келгунга қадар, ҳаргиз бир-биридан ажралмас».<sup>1</sup>

عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ قَالَتْ: سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: عَلِيٌّ بِنُ أَبِي طَالِبٍ مَعَ الْقُرْآنِ وَالْقُرْآنُ مَعَهُ، لَا يَفْتَرِقَانِ حَتَّى يَرِدَا عَلِيَّ الْحَوْضَ.

«Пайгамбаримизнинг аёллари Умми Салама ривоят қилиб дедик, Пайгамбар (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) шундай марҳамат қилдилар: Али ибн Аби Толиб Қуръон билан бирга ва Қуръон у билан биргадир, улар Кавсар ҳовузи ёнида менга кириб келгунларига қадар бир-бирларидан ажралмаслар».<sup>2</sup>

1. Ушбу ҳадисни ўз китобида ривоят қилган Аҳли суннат уламолари қуйидагилардан иборат:

- Ибн Мағозилий, «Маноқибу Амирил муъминийн», 244-бет.
- Ибн Асокир, «Тариху мадинати Дамашқ», 3-жилд, 119-бет, 1162-ҳадис.
- Ҳоким Нишобурий, «Ал-Мустадраку алас-саҳиҳайн», 124-бет, 3-ҳадис, 61 -ҳадис, бобу маноқиби Алийийн.
- Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий, «Янобийъул маваддаҳ», 104-бет, 20-боб.
- Хатиб Бағдодий, «Тариху Бағдод», 14-жилд, 321-бет, 7643-ҳадис.
- Ибн Касир, «Ал-Бидоятун ван-Ниҳояҳ», 7-жилд, 321-бет, бобу фазоили Алийийн.
- Ҳайсамий, «Мажмаъуз-завоид ва манбаъул-фавоид», 9-жилд, 135-бет.
- Термизий, «Сунанун термизий», 13-жилд, 166-бет, 3-ҳадис, бобу маноқиби Алийийн.
- Хоразмий, «Маноқибу Амирил муъминийн», 223-бет.
- Ал-Муттақил Ҳиндий, «Канзул уммол», 11-жилд, 621-бетдан 643-бетларгача ва бошқа алломалар ушбу ҳадисни ўз китобларида ривоят қилганлар.

2. Ушбу ҳадисни ўз китобида ривоят қилган Аҳли суннат алломалари қуйидагилардан иборат:

- Ҳоким Нишобурий, «Ал-Мустадраку алас-саҳиҳайн» 3-жилд, 124-бет.
- Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий, «Янобийъул маваддаҳ», 103-бет, 20-боб.
- Ҳайсамий, «Мажмаъуз-завоид ва манбаъул-фавоид», 9-жилд, 134-бет.
- Жалолуддин Суютий, «Тарихул хулафо», 173-бет, боб фазоилу Алийийн.

Шуни эслатиш лозимки, мусулмонлар орасида фақат имомия шиаларгина мўминлар амири ҳазрати Али *(алайҳис салом)*ни ўзларининг биринчи имом ва пешволари деб биладилар. Аммо бошқа исломий мазҳаблардаги мусулмонлар эса ул ҳазратни тўртинчи халифа деб билиб, фазилат ва устунлик жиҳатидан ҳам тўртинчи ўринда кўришади. Бундан ҳам ачинарли ҳолат шуки, Аҳли Суннатнинг Қуръони Каримдан кейинги энг мўътабар ва ишончли манбалари бўлмиш «Саҳиҳул Бухорий»да ҳазрати Али *(алайҳис салом)*дан атиги йигирматага яқин ҳадис ривоят қилинган, холос. Ҳолбуки, ҳазрати Али *(алайҳис салом)* икки ёшли гўдаклик чоғларидан Сарвари коинот Муҳаммад Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг қарамокларида бўлиб, доим ул зотнинг тарбиялари остида бўлганлар ва шу боис, ҳазрати Али *(алайҳис салом)* орқали энг кўп ҳадислар Пайғамбар (с.а.в)дан ривоят қилинган бўлмоқлиги зарур. Лекин афсуски, Аҳли суннатнинг ҳадисий манбаларида бунинг акси мавжуд.

## **5. Барча пайғамбарларнинг камолот ва фазилатлари бир жойда ҳазрати Алида жамлангани ҳақидаги ҳадислар:**

Аҳли суннатнинг Ибн Абул Ҳадид, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Имом Фахр Розий, Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий каби кўп уламолари куйидаги ҳадисни пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*дан ривоят қилганлар:

عَنْ أَبِي الْحَمْرَاءِ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ: مَنْ أَرَادَ أَنْ يَنْظُرَ إِلَى آدَمَ فِي عِلْمِهِ وَإِلَى نُوحٍ فِي فَهْمِهِ وَإِلَى إِبْرَاهِيمَ فِي حِلْمِهِ وَإِلَى يَحْيَى بْنِ زَكَرِيَّا فِي زُهْدِهِ وَإِلَى مُوسَى بْنِ عِمْرَانَ فِي بَطْشِهِ وَإِلَى عِيسَى فِي عِبَادَتِهِ فَلْيَنْظُرْ إِلَى عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ.

Абу Ҳамро ривоят қилиб дедики, Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* шундай деб марҳамат қилдилар: «Кимки, Одам *(алайҳис салом)*нинг илму-донолигини кўрмоқчи бўлса ва Нух *(алайҳис салом)*нинг фаҳму-фаросатига назар солмоқчи бўлса ва Иброҳим *(алайҳис салом)*нинг сабрли-бағрикенг эканлигини ва Яҳё ибн Закариё *(алайҳис салом)*нинг зоҳид ва дунё молу матосига нисбатан беразбатлигини кўрмоқчи бўлса ва Мусо ибн Имрон *(алайҳис салом)*нинг довюраклиги ва ҳайбатини кўрмоқчи бўлса ҳамда Исо

---

- Ал-Муттақил Ҳиндий, «Канзул уммол», 11-жилд, 603-бет ва бошқа олимлар ушбу ҳадисни ривоят қилганлар.

(алайҳис салом)нинг ибодатига назар қилмоқчи бўлса, унда Али ибн Аби Толиб (алайҳис салом)га қарасин».<sup>1</sup>

Ушбу ҳадиси шарифнинг охирида Мирсаид Али Ҳамадоний Шофеъий шундай қўшимча қилади:

«فَإِنَّ فِيهِ تِسْعِينَ خِصْلَةً مِنْ خِصَالِ الْأَنْبِيَاءِ جَمَعَهَا اللَّهُ فِيهِ وَلَمْ يَجْمَعْهَا فِي أَحَدٍ غَيْرِهِ».

«Аллоҳ таоло пайгамбарларнинг хислатларидан тўқсонга хислат ва сифатни ҳазрати Али (алайҳис салом)да жамланган ва уларни ул ҳазратдан бошқа ҳеч кимда жамламаган».

**Манба:** Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий, «Янобийъул маваддаҳ», 2-жилд, 307-бет.

Албатта, юқоридаги ҳадиси шарифда ҳазрати Али (алайҳис салом)ни илм ва донолик жиҳатидан Одам (алайҳис салом)га ўхшатилиши Аллоҳ таолонинг Қуръони каримдаги ушбу каломига кўради:

﴿وَعَلَّمَ آدَمَ الْأَسْمَاءَ كُلَّهَا﴾

«Ва [Аллоҳ] бутун номларни Одамга ўргатди», (Бақара сураси, 31-оят).

Ҳамда ҳазрати Али (алайҳис салом)ни сабрлилик ва бағри кенглик жиҳатидан Иброҳим (алайҳис салом)га ўхшатилиши Аллоҳ таолонинг Қуръони Каримдаги Тавба сурасида марҳамат қилган қуйидаги каломига кўради:

﴿إِنَّ إِبْرَاهِيمَ لَأَوَّاهٌ حَلِيمٌ﴾

«Дарҳақиқат, Иброҳим тазарруъли ва сабрли-бағри кенгдир», (Тавба сураси, 114-оят).

Юқорида келтирилган ҳадисларнинг барчаси ўн икки имом ва пешвога эътиқод қилувчи шиаларнинг тутган йўли тўғри ва ҳақ эканлиги ҳамда фақат уларгина нажот топувчи тоифа эканлигига далолат қилади.

---

1. Ушбу ҳадисни ўз китобида ривоят қилиб келтирган Аҳли суннат алломалари:

- Ибн Асокир, «Тариху Мадинати Дамашқ», 2-жилд, 280-бет, 804-ҳадис.
- Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий, «Янобийъул маваддаҳ», 253-бет.
- Ганжий Шофеъий, «Кифаяятут-толиб», 122-бет, 23-боб.
- Ибн Мағозий, «Маноқибу Амирил муъминийн», 212-бет, 256-ҳадис.
- Ибн Касир, «Ал-Бидоятун ван-Ниҳояҳ», 7-жилд, 356-бет.
- Ҳофиз Шамсиддин Аз-Заҳабий, «Мийзонул-иътидол фий нақдир-рижол», 4-жилд, 99-бет, 8464-ҳадис.
- Ибн Абил Ҳадийд, «Шарҳу Наҳжил Балога», 2-жилд, 449-бет, миср нашриёти.
- Жувайний Хуросоний, «Фароидус симтайн», 35-бет, 142-ҳадис.

Пайғамбаримиздан ривоят қилинган ушбу ҳадисларни имомия шиалардан бошқа Ислондаги ҳеч бир мазҳаб ва йўналишга нисбат бериб бўлмайди.

### **Натижа ва Хулоса:**

Биз пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг Ислон уммати етмиш уч фирқага бўлиниши ҳақидаги ҳадиси шарифларини кенг қамровли илмий-таҳлилий услубда ўрганиб чиқиб, турли ислоний мазҳаб ва йўналишлар орасида нажот топувчи тоифа кимлар эканини баҳоли қудрат аниқлашга ҳаракат қилдик. Юритган илмий баҳсимиздан шу хулосага келдикки, Пайғамбаримиздан сўнг у зотнинг саҳобаларининг йўлидан бориш саодат ва нажот йўли эмаслиги ҳамда саҳобаларнинг йўлини тутганлар нажот топувчи тоифадан эмаслиги ошкора маълум бўлди, балки саодат ва нажот йўли Саййидул анбиёдан кейин у зотнинг Аҳли-Байтларидан бўлган ўн икки имом ва пешволарга эргашиш ва у зотларнинг кўрсатган йўлларида бориш эканлиги ҳамда Ислон уммати орасида ўн икки имом ва раҳнамоларга эргашиб, уларнинг йўлидан борганлар фақат имомия шиалар эканлиги, шу боис, фақат имомия шиаларгина нажот топувчи тоифа эканлиги кўплаб саҳих ҳадислар ёғдусида ошкора аён бўлди.

**NAJOTKEMASI.NET – Xalqaro Islomiy Axborot va Tadqiqot Markazida tayyorlandi.**